

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ШАХСНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БАҲОЛАШ ХУСУСИЯТИНИ ШАКЛЛАНИШИ

Авлақулов Бобир Рўзиқулович

Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика университети

Умумий психология кафедраси ўқитувчиси

E-mail: boburaslan1821@gmail.com

Резюме. Бугунги кунда таълим жараёни ва шахсни шакллантирувчи омиллар ҳақида илмий тадқиқ масалаларига эътибор юқори. Бу мақолада таълим жараёнида шахснинг шаклланиш жараёни ўрганилган. Унда талаба ёшларнинг ўзини ўзи баҳолаш хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, талаба ўзини ўзи баҳолашини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳам баён этилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, шахс, талаба, ўзини ўзи баҳолаш, мен образи, таҳлил.

ФОРМИРОВАНИЕ ЛИЧНОСТНЫХ САМООЦЕНОЧНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК В ХОДЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

Авлақулов Бобир Рўзиқулович

Ташкентского государственного педагогического

университета имени Низами

E-mail: boburaslan1821@gmail.com

Резюме. Сегодня большое внимание уделяется вопросам научных исследований образовательного процесса и личностно-формирующих факторов. В данной статье рассматривается процесс формирования личности в образовательном процессе. Проанализированы особенности самооценки студентов. Также описаны факторы, влияющие на формирование самооценки учащихся.

Ключевые слова: образование, воспитание, личность, студент, самооценка, образ я, анализ.

FORMATION OF PERSONAL SELF-ASSESSMENT CHARACTERISTICS DURING THE EDUCATIONAL PROCESS

Avlakulov Bobir Ruzikulovich

Professor Department of Psychology of the Tashkent State

Pedagogical University named after Nizami

E-mail: boburaslan1821@gmail.com

Pesume. Today, much attention is paid to the issues of scientific research of the educational process and personality-forming factors. This article discusses the process of personality formation in the educational process. The features of self-assessment of students are analyzed. The factors influencing the formation of self-esteem of students are also described.

Keywords: education, upbringing, personality, student, self-esteem, self-image, analysis.

Шахс тараққиёти унинг ижтимоийлашуви ва тарбияси жараёнида содир бўлади. Мавжудлигининг биринчи кунларидан бошлаб, инсон ўзига ўхшаганлар куршовида бўлади, турли хил ижтимоий муносабатлар ва ўзаро ҳаракатларда қатнашади. Биринчи ижтимоий тажрибани оиласи шароитида орттиради, сўнгра турли жамоалар шароитида шахсининг ажралмас қисмига айланган субъектив тажрибани тўплаб боради.

Ҳар бир инсоннинг ёшлик йилларидан камчилик ва ютуқлари, ўз имкониятлари ҳақида оз бўлсада тасаввурга эга бўла бошлайди. Мактабгача ёшданок бола ўз феъл-атвори асосида олдин ота-оналарига, кейин эса атрофдагиларга ўз муносабатини билдира бошлайди. Ташқи таъсир натижаси ўларок, ҳар бир инсонда ўз-ўзига баҳо бериш қобилияти шакллана бошлайди. Кимдир ўзига жуда юқори баҳо берса, яна кимдир ўзи ҳақида салбий фикрда бўлади.

Ўзи ҳақидаги жуда юқори фикрдаги инсонлар атрофдагилардан доим қусур излашга ҳаракат қилишади. Унинг ўзи ҳақидаги фикри реал имкониятлардан кўра илгарилаб кетган бўлади. Бундай инсонларнинг бахтли бўлиши қийин, сабаби улар доим нимадандир норози бўлиб юришади: ё ҳаёт тарзидан ёки атрофдагилардан... Уларнинг ўзи ҳақидаги фикрларнинг ўзгартириш ҳам қийин кечади. Бунинг учун ўзгаларнинг ютуғини кўриб, ўз имкониятларини таққослаш, атрофдагиларнинг унга нисбатан тўғри муомала қила олиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзи ҳақида салбий фикрда бўлган инсонларга ҳам осон эмас. Уларнинг бошқалар билан муомалага киришишлари, янги танишлар орттиришлари қийин кечади. Уларни доим бирор ишни бошлашдан олдин «мен тўғри йўл тутаяпманмикан?» каби шубҳали саволлар қийнайди. Бундай шубҳа гумонлардан қутилиш учун авваламбор ўзингизга четдан назар ташланг. Сиз ҳеч кимдан кам эмассиз ва шунинг баробарида бошқалардан устун жиҳатларингиз

хам мавжуд. Бу жихатларни хис қила билинг. Шундагина хаётда ўз ўрнингизни топиб, ишингизда яхши натижаларга эриша оласиз.

Одатда талаба ҳар жойда ўзини кўрсатиш хусусиятига эга бўлган ўсмирлик вақтидаёқ, ўзларининг шахсий хусусиятларини кузата бошлайди. Шунингдек, ўзларининг ташқи қиёфаси, таълим жараёнидаги ўзлаштириш хусусиятларига танқидий қарай бошлайди: фанлардаги баҳолар, топшириқларни бажарилиши, уларнинг натижаларини яхшилиги ёки аксинчаси, дўстлари орасидаги турли тафовутлар баъзида уларни безовталантиради, изтироб чекадилар. Кишининг ўз образи - бу ўспиринликнинг ўзини англаши анча муҳим компонент бўлиб ҳисобланади.

Талабаликда ўз шахсий ҳислатларига баҳо бериш анча кучаяди. Бу даврда улар ҳам ўсмир сингари ўз кадр-қимматини, унинг нималарни қилишга арзиши ва нималарга қодир эканлигини бениҳоя билгиси келади. Ўзига баҳо бериш иккита усулда бўлади.

1. Инсон ўзи қўлга киритган ютуқлари натижаси билан баҳолайди. Масалан: олийгоҳга ўқишга киргани, олимпиада, мусобақаларда совриндор бўлгани билан фахрланади. Вафқулотда вазиятда ўзини йўқотмайди ёки ёш болани ёнғиндан қутқазди. Маълум қийин топшириқни бажаради. Ахлоққа оид бундай ҳатти-ҳаракатлар, талабанинг ўз қатъийлигини синаши ҳам ҳисобланади.

2. Ижтимоий таққослаш, яъни ўзи ҳақидаги бошқа ишларни, фикрларни солиштиришдан иборатдир. Масалан: ўқувчилар томонидан “*мардлик*” деб маъқулланган ҳатти-ҳаракатни ўқитувчи «*қалбаки ўртоклик*» деб айтади. Бунда болалар ўз ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ўйлаб, бош қотира бошлайдилар. Шахсий «мен» образи, жуда мураккабдир. Ҳатто катталарнинг ўзини англаши ҳам қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас. Бу ҳолат айниқса ўспиринларда янада кучлироқ бўлади. Баъзи талабалар ўзини кузатиш учун кундалик дафтарлар тутаяди. Бу ҳолат кизларда эртароқ ва кўпроқ учрайди. Бу ҳолат шунчаки ўсишини билдириб қолмасдан, балки шахсда моҳият жиҳатидан тубдан бошқача тарзда ўз шахсиятининг маънавий-руҳий фазилатларини, ижтимоий турмуш тарзи, мақсад ва вазифаларини англаши, уларни оқилона баҳолаш заруратини акс эттиради. Ундаги ўз-ўзини англаш, турмуш, яшаш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тарзида намоён бўлади. Ўқув муассаса, микромуҳитидаги одатланмаган вазият, шахслараро муносабатлар ва муомала кўламнинг кенгайиши ўзига хос типологик ақлий, ахлоқий, иродавий, ҳиссий хусусиятларини оқилона баҳолаш, қўйилаётган

талабларга жавоб бериш тариқасида ёндашиш, ўз-ўзини англашни жадаллаштиради. Ўспирин ўқувчиларининг ўз-ўзини англашга алоқадор ўзига хос хусусиятлари мавжуд, улар даставвал ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини, ютуқ ва камчиликларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

Талабанинг ўсмирлик давридага боладан ўзгачароқ яна бир хусусияти бор бўлиб, бу, мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўз кадр-қимматини эъозлаши, сезиши ва фаҳмлашга кўпроқ мойиллигидир. Талабада ўзини англаши негизида ўзини тарбиялаш истаги туғилади. Натижада унда ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини саралаш, уларни кундалик турмушга тадбиқ қилиб кўриш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўспирин руҳиятидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмасдан, балки вояга етган кишиларга хос кўпқиррали, умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади. Ўқувчилар ўзида шахсининг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва меҳнат малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга, шахсининг муайян бир фазилатлари ва хислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қиладилар. Улар ўз-ўзини тарбиялаш муаммоларини, яхлит маънавий-руҳий қиёфани шакллантиришга интиладилар.

Талаба ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўқув муассаса, жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашнинг такомиллаштириши жамоада муносиб ўрин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилсин. Ўз-ўзини тарбиялашни тўғри изга солиб юбориш учун уйғун бирликни ташкил этган тарбиявий чора-тадбирлар мажмуаси тарзида таъсир ўтказиш жамоа мажбурияти, ўзаро ёрдам ва назорат қилиш, ўзаро баҳолаш ва танқид қилиш кабилар мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий турмушда учрайдиган баъзи бир ярамас юриш-туриш кўринишларига, иллатларига, сарқитларига қақшаткич зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларни асраш, ёт ташвиқот моҳиятига қарши кураш олиб бориш педагоглар жамоасининг бош вазифаси ҳисобланади.

Бу даврда балоғатга етганлик туйғуси такомиллашиб бориб, ўз-ўзини қарор топтириш, ўз маънавий қиёфасини ифодалаш туйғуси ўсиб боради. Бу хусусият уларнинг алоҳида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг учун айрим ёшлар турли модаларга майл қўйиш, тасвирий санъатга, муסיқага, касб-ҳунарга, табиатга мафтункор қизиқишларини намойиш

қилишга ҳаракат қиладилар. Ўқув ва меҳнат жамоалари таъсирида матонат, жасурлик, сабр-тоқат, камтарлик, интизомлилик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар такомиллашади. Худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, кўрқоқлик, ғайирлик сингари иллатларнинг барҳам тоқиши тезлашади.

Талабалар шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотларининг роли алоҳида аҳамият касб этади. Уларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, масъулиятлилик, ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш сингари фазилатлари барқарор хусусият касб этиб боради. Бу даврдаги йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этиши орқали муайян ташкилотчилик қобилияти намоён бўлади. Ўзининг кимлиги, қандайлиги, қобилиятлари, ўзини нимага ҳурмат қилишини аниқлашга интиладилар. Дўст ва душманларининг кимлиги, ўз истаклари, ўзини ва тевақатрофни, оламни яхши билиши учун нима қилиш кераклигини англашга ҳаракат қилади. Маълумки, ўспиринларнинг ҳамма саволлари анланган бўлмайди. Баъзан ўспиринлар ўзларидан ҳеч қаноатланмайдиган, ўз олдиларига ҳаддан ташқари кўп вазифалар қўядиган, лекин унинг урдасидан чиқа олмайдиган бўлади. Мана булардан кўриниб турибдики, ўспиринлар ўз-ўзини анализ қилиш теранлиги ва юксак талабларни бажариш кераклигини ўзида акс эттира боради. Бу эса ўспиринларнинг келгуси ютуқлари шартларидан биридир.

Ўз-ўзини ҳурматлаш ва унинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Демак, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шахснинг эрта ўспиринликдаги энг муҳим хислатларидан бири ўз-ўзини ҳурматлаш, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўспиринлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш масалаларида бир бутун маънавий психологик қиёфани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеали ва намунанинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Масалан: ўғил болалар - қаҳрамонлик, яхши ота, ўқитувчи, врач ёки бадиий асар ҳамда кинофильмдаги образларни ўзларига идеал деб билсалар; қизларимиз меҳнаткаш аёл, жозибали жамоат арбоби, назокатли уй бекаси ёки илмий ходим ва ҳоказо. Ўзаро муносабат ва эмоционал ҳаёт ўз мавқеини белгилашнинг мураккаб муаммоларини ўспириннинг ўзи ҳал қила олмайди. Бу масалани ўспириннинг ота-онаси, ўз тенгқурлари, ўқитувчилар иштирокида уларнинг қўллаб-қувватлашида инобат ҳал қила олади.

Хулоса шундан иборатки бугуннинг давр талаби нафақ талабаларга таълим бериш билан чекланиб қолмаслик, унинг ички дунёси, темперамент, характер

хусусиятлари, билиш жароёнлари, истедоди, тафаккури, тасаффури, фавқулодда қарор қабул қила олиш даржаси, иқтидорлик коэффеценти ва таълим беришнинг халқаро талабларга ва муносабатларга мос келишлиги ҳам эътиборга олинислиги ўта муҳим ҳисобланиб қолмоқда. Қандай қилиб ўз-ўзини ҳурмат қилишни ривожлантириш ва қаерда фойдали бўлиши мумкинлигини тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “1-октабр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни” байрами муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. 2022 йил.
2. Ахмедова М.Х. // развитие чувства ответственности у студентов в процессе обучения молодой ученый (Казань). 2015 2 (82) С. 443-445
3. Ахмедова М.Х. Замонавий педагог нутқи // Pedagogik ta'lim klasteri: muammo va yechimlar. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya 2021-yil, 25-26 iyun Chirchiq. Б. 1209-1213
4. Дўстмухаммедова Ш.А., Тиллашайхова Х.А., Байкунусова Г., Зиявутдинова Г. Умумий психология (Ёш даври психологияси). Дарслик. 2020.
5. Кон И.С. Психология ранней юности: Кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1999.
6. Петровский А.В. "Ўз-ўзини ҳурмат қилиш. Умумий психология 1996.
7. Хайдароф Ф.И., Халилова Н.И. Умумий психология. Дарслик. 2017.